

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 6-7 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Габола шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек

Омуралиев ва бошқа расмий шахслар ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Озарбайжон Президентига қадимдан Буюк ипак йўлидаги муҳим савдо ва маданият марказларидан бири бўлган Габола шаҳрида саммит юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

— Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан биз охириги йилларда замонавий Озарбайжоннинг кўплаб ҳудудларига ташриф буюрдик. Гўзал Қорабоғ кун сайин обод бўлаётганига, Шуша, Хонкенди, Ағдам шаҳарларидаги улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Албатта, яқин дўстларингиз сифатида бу ижобий жараёнлар бизларни жуда қувонтиради, — деди давлатимиз раҳбари.

Озарбайжон ва Арманистон ўртасида имзоланган Тинчлик декларацияси ташкилот мамлакатларига савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар очаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга ТДТга самарали раислик қилгани ва ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қўшган муносиб ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Саммит кун тартибига ўтар экан, Ўзбекистон етакчиси бугунги халқаро вазиятга қисқача тавсиф берди.

Бу галги йиғилиш мураккаб геосиёсий ўзгаришлар, дунёда ва минтақада хавфсизликка таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда ўтаётгани таъкидланди.

— Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги жаҳон етакчиларининг чиқиш ва ёндашувлари ҳам замонавий дунёнинг сиёсий ва хавфсизлик архитектураси бўйича яқдил позиция йўқлигини яна бир бор намоён этди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу нуқтаи назардан, глобал бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш, БМТ ва Хавфсизлик Кенгашининг ролини ошириш, шунингдек, халқаро ишларда ривожланаётган мамлакатларнинг овозини кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Евроосиё қитъасида тобора авж олаётган, охири кўринмаётган соҳаро ва урушлар Ташкилот давлатларига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ғазо секторидagi фожиа, Украина атрофидаги вазият, Эроннинг ядро дастури муаммоси, Афғонистондаги барқарорлик масалалари жиддий хавотир уйғотмоқда.

Ўзбекистон раҳбари жаҳоннинг қудратли давлатларининг адолатли дунё тартиботини шакллантириш, ўзаро ишонч ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги интилишлари ва янги режаларини олқишлади.

Глобал вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва зарур қарорлар қабул қилиш мақсадида ТДТ мамлакатлари ташқи сиёсий идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувларини ўтказиш ва бундай форматдаги биринчи йиғилишни келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этиш тақдир қилинди.

Ўзбекистон етакчиси қисқа муддатда жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қаторига кирган Туркий давлатлар ташкилотининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Олий даражадаги сиёсий мулоқот кенгайиб, ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётгани, қўшма лойиҳалар ва гуманитар дастурлар фаол амалга оширилаётгани бундан далолат беради.

Бугунги кунда ТДТ доирасида 35 дан ортиқ йўналишда амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб бормоқда ва 2030 йилга бориб икки баробар кўпайиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг асосий қисмида амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг аниқ масалаларига тўхталди.

Ташкилотнинг нуфузи ва салоҳиятини ошириш, яқин истиқболда унинг самарали ҳамкорлик майдони сифатидаги ролини кучайтириш устувор вазифа экани таъкидланди.

— Бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги битимни тезроқ келишиб, қабул қилиш тарафдоримиз. Албатта, бу муҳим битим ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўлида асосий сиёсий ҳужжат сифатида қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги bosқичга олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Кўп қиррали шерикликни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақдир қилинди. Ушбу ҳужжатларда қуйидаги аниқ йўналиш ва чоратadbirlарни акс эттириш зарурлиги қайд этилди.

Биринчидан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш.

Ўзбекистон Президенти яқин истиқболда ТДТ доирасида савдо, бизнес ва ўзаро инвестициялар учун энг қулай шароитлар, ҳуқуқий асос ва инфратузилма яратишни назарда тутадиган Янги иқтисодий имкониятлар маконини шакллантириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қадимдан Буюк ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият марказларидан бири бўлган бетакорр Габола шаҳрида сиз, азиз қардошларим билан дийдор кўришиб турганимдан беҳад мамнунман.

Авваламбор, саммитни юқори савияда ташкил этганлари, анъанавий ва самимий меҳмондўстлик учун Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиев Жаноби Олийларига миннатдорлик изҳор этаман.

Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан биз охириги йилларда замонавий Озарбайжоннинг кўплаб ҳудудларига ташриф буюрдик. Гўзал Қорабоғ кун сайин обод бўлаётганига, Шуша, Хонкенди, Ағдам шаҳарларидаги улкан бунёдкорлик ишларига

гувоҳ бўлдик. Албатта, яқин дўстларингиз сифатида бу ижобий жараёнлар бизларни жуда қувонтиради.

Сизнинг қатъий сиёсий иродангиз туфайли Арманистон билан имзоланган Тинчлик декларацияси эса Туркий давлатларининг ҳам умумий галабасидир, десак, муболага бўлмайди. Бу тарихий келишув мамлакатларимиз учун савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гуманитар соҳаларда яқин ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Йил давомида Ташкилотимиз фаолиятида самарали раислик қилгани, ҳамкорлигимизни янги bosқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшгани учун Қирғиз Республикаси Президенти ҳурматли Садир Нурғожоевич

Жапаров Жаноби Олийларига ташаккур билдираман.

“Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзусидаги бугунги учрашувимиз дунёда мураккаб геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган ва хавфсизликка таҳдидлар тобора ортиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Ҳозир сўзга чиққан ҳамкасбларим бу муаммолар бўйича ўз фикр ва тақлифларини билдириб ўтдилар.

Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги жаҳон етакчиларининг чиқиш ва ёндашувлари ҳам замонавий дунёнинг сиёсий ва хавфсизлик архитектураси бўйича яқдил позиция йўқлигини яна бир бор намоён этди.

Даврнинг ўзи биздан глобал бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш, БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ролини оширишни тақозо қилмоқда. Жумладан, ривожланаётган давлатларнинг ўрни ва овозини мустаҳкамлашда яқин ҳамкорликни кучайтириш муҳим вазифадир.

Дунёдаги энг оғриқли муаммолар, Евроосиё минтақасида авж олаётган ва охири кўринмаётган низо ва урушлар, албатта, бизнинг давлатларимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ғазо секторидagi фожиа, Украина атрофидаги вазият, Эроннинг ядро дастури муаммоси, Афғонистоннинг барқарорлиги масалалари барчамизни жиддий ташвишга солади.

Жаҳоннинг қудратли давлатлари томонидан адолатли дунё тартиботини шакллантириш, ўзаро ишонч ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган интилиш ва янги режаларни олқишлаймиз.

Ўйлайманки, глобал вазиятни чуқур таҳлил этиш ва керакли қарорлар қабул қилиш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти ташқи ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг биргаликдаги учрашувларини мунтазам ўтказиб боришни ҳам замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Биз биринчи қўшма учрашувни келгуси йили Самарқанд шаҳрида ўтказиш ташаббуси билан чиқамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Туркий давлатлар ташкилоти қисқа вақт

ичида жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қаторига кирди. Авваламбор, мамлакатларимиз ўртасида юксак даражадаги сиёсий мулоқотлар фаоллашгани, ўзаро ишонч мустаҳкамланганлиги, амалий шериклик лойиҳалари ва гуманитар дастурлар ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани бунини яққол тасдиқлайди.

Биргина мисол келтирмакчиман. Бугунги кунда Ташкилотимиз доирасида ўттиз бешдан зиёд йўналишларда амалий ҳамкорлик олиб борилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва бу кўрсаткич 2030 йилга қадар икки баробар ошиши кутилмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваддул куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса раванқ тилади.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатини давом эттириш, етакчи корхона ва компанияларнинг саноат, энергетика,

қилишқ ҳўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳаларини илгари суртиш, икки мамлакат ҳудудларининг ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар халқаро ва минтақавий аҳамиятта молияк долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎЗА



Янги Ўзбекистон руҳи

ТЕНГ ҲУҚУҚ, ТЕНГ ИМКОНИЯТ — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ



XXI аср глобал ўзгаришлар, янги имкониятлар ва жиддий хатарлар асрига айланди. Жаҳонда демократик жараёнлар чуқурлашар экан, барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан бири сифатида гендер тенглик масаласи марказий ўринга чиқди. Чунки ҳар бир давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётида аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йилдаги кенг қўламли ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳам айнан шу соҳани қамраб олди. Юртимизда демократик ислохотлар чуқурлашди, инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди.

Шу маънода, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида инсон қадрини улуғлаш ва ҳуқуқий-ижтимоий давлат қуриш юзаси асосий ўринга қўйилди. Бугунги ислохотлар жараёнида нафақат иқтисодий ёки сиёсий соҳалар, балки жамиятнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий адолат

ва тенглик тамойиллари ҳам асосий масалага айланди.

Гендер тенглик масаласи бугун фақат миллий даражада эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам барқарор тараққиёт, тинчлик ва инсон ҳуқуқлари таъминлишининг энг муҳим қафолатига айланди. Шу боис, биз нафақат ўз қонунчилиги ва давлат дастурларимиз доирасида, балки халқаро ҳамкорлик орқали ҳам бу масалани олға суришимиз шар.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида айнан гендер сиёсатини Ўзбекистон тараққиётининг муҳим устувор йўналиши сифатида қайд этди.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Кенгаш доирасида бир қатор янги ташаббуслари амалга оширишимиз мумкин. Жумладан, суғурқий давлатларнинг Саноат альянсини тузиш бўйча орқали машинасозлик, кон саноати, электротехника, нефть-кениш, фармацевтика, енгил саноат, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи компанияларимизнинг кооперация лойиҳаларини илгари суриш; Ўзбўроқ давлатлари кескин ошмиш ва техник регламентларни яқинлаштириш ақсақсидида “Туркий яшил йўлаклар” электрон қизимизини жорий этиш зарур; “яшил” энерегика, “яшил” водород ва аммиак лойиҳалари-ни биргалққида амалга ошириш, илгор техно-логиялар, стандартлар ва компетенциялари амалда қилиш, давлат ва ҳусусий шериклик ме-ханизмларини кенг таъбиқ этиш учун “Яшил трансформация” консорциумини ташқил этиш; стратегик минераллар базасини ўзлаштириш ва қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби масалалар Кенгашнинг доимий ётборида таъбиқ доркор.

Бу борада биз албатта Туркий инвестиция жағмарамсининг фаолиятини кенгайтириш тарафдоримиз. Шу билан бирга, устувор лойыҳаларга қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида Ислон тараққийот банки, Европа тикланиш ва тараққийот банки, бошқа халқаро молия ва миллий ривожланиш институтлари билан Стратегик ҳамкорлик дастурини қабул қилишни тақлиф этишимиз.

Бугун қабул қилинадиган Габола декларацияси биргаликда илгари сураётган эзгу ташаббус ва режаларимизни янада мустақамлаб, давлатларимизнинг умумий тараққиётига, қардош халқларимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

СИЁСАТ

**ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК
ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА**

Бошланиши 1-бетда

Сифатли ва харидоргир органик таҳсилотлар ишлаб чиқариш учун илмий-тадқиқот ва селекция, саноат кооперацияси ва логистика алоқаларини курайтириш зарурлиги таъкиллани.

ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни янги боскичга олиб чиқиш.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга амалий таширифи якунланди.

Габала халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев қузатиб қўйли.

 Нуктаи назар

Бугун экологик муаммолари бартараф этиш ҳар қачонгидан кўра долзарб масалага айланди. Табиий ресурслар тақчиллиги, иқлим ўзгариши, чўлланиш ва сув етишмовчилиги глобал муаммо сифатида нафақат бир давлат, балки бутун минтақа ва инсоният манфаатларида дахлдор масалаларни кун тартибига олиб чиқмокда.



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
ижрочи директори

Ушбу тадбирларни ўтказиш учун 7,4 минг тоннадан ортиқ саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари уруғи тайёрланди. Ўрмонлаштириш ишларини давом эттириш мақсадида ҳар йили камида 100 гектар майдонда саксовул ўқатқори ташкил этилмоқда. Бу ишлар нафақат экологик барқарорликни таъминлаш,



Минтақада келиб чиқиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш ҳамда қатор глобал келишувларга эришиш бўйича мамлакатимиз халқаро тадбирларга меъzonлиқ қилиб келмоқда. Хусусан, шу йил апрелда I Самарқанд халқаро иқлим

Президентимиз “иқлим миграцияси” масаласига тўхталиб, “Экологик ўзгаришларнинг яна бир салбий кўриниши — иқлим миграциясининг кучайиб

Умуман олганда, Ўзбекистон экологик муаммоларининг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича ўзига хос ёндашувни танлаган. Бу ёндашув худудий экотизимларни тиклаш — Оролбўйида яшил қоплама ва ўрмонлар барпо этиш, сувни оқилона бошқариш — сув тежовчи технологиялар, инфратизимларни модернизация қилиш, глобал шериклик, инсоний ҳафсизликни таъминлаш — иқлим миграцияси бўйича Глобал пакт ҳамда халқаро ҳамкорлик орқали экологик вазиятни яхшилаш каби жиҳатларни қамраб олади.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Соҳибжамол ЖУМАЕВА,
Марказий банкнинг гендер тенглик
масалалари бўйича маслаҳат
кенгаши раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бегда

“Яна бир муҳим йўналиш — гендер сиёсати. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан бун ҳам мустақамлашнинг мақсад қилганмиз. Кенг минтақамиз миқёсида эса Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдоримиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Бу сўзлар аслида мамлакатимизда кечаётган ислохотлар руҳини, Конституциямиздаги нормалар моҳияти ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларини қамраб олади. Чунки гендер тенглик масаласи энди фақат ички сиёсат эмас, балки минтақавий ҳамкорлик ва халқаро нуфуз билан ҳам узвий боғлиқ.

Шу маънода, янги Ўзбекистондаги конституцийий ислохотлар ва давлат дастурлари Президентимизнинг БМТ минбариди қилдирган ташаббуси билан уйғундир. Демак, миллий сиёсат ва глобал ташаббуслар бир-бирини тўлдирмоқда.

Бош қонунимизда ҳам “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” деган ғоя асосий йўналиш сифатида белгиланган. Бу эса, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги янги босқични аниглайди.

Конституциявий нормага кўра, давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ва давлат бошқарувида, иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни кафолатлайди. Бу эса ижтимоий адолатни таъминлашдаги катта қадамдир.

Конституциядаги киритилган яна бир муҳим қоида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларнинг иш ҳақини қамайтириш ёки ишдан бўшатилиш таъқиқланишидир. Бу норма аёлларнинг меҳнат бозориди дискриминацияга дуч келишига йўл қўймайди қаратилган.

Шу билан бирга, янги қонуний асослар оталик институтини муҳофаза қилишни ҳам назарда тутди. Конституцияда илк бор “Оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасида” деган қоида белгилаб қўйилди. Бу нафақат аёлларнинг, балки ота сифатида эркекларнинг ҳам оилавий масъулияти ва ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилишини аниглайди.

Умуман олганда, аёллар ва эркеклар тенглигининг Конституция даражасида мустақамлашнинг жамиятда йиллар давомида шаклланиб қолган стереотипларни йўққа чиқаришга қаратилган. “Аёл уйда ўтириши шарт”, “аёллар сиёсатга аралашуши мумкин эмас” каби қарашлар энди қонун нормаларига мутлақ зид ҳисобланади.

Шунингдек, 2030 йилга қадар бошқарув лавозимларида хотин-қизлар улушини қамда 30 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу мақсад ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолликни ошириш, давлат бошқарувида гендер мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий ташаббусларга йўл очиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Бу жараёнда аёллар иштирокисиз тўлиқ тараққиётга эришиб бўлмайди. Чунки мамлакат аҳолисининг ярмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги миллий барқарорлик ва юқалишнинг асосий кафолатидир.

Ўтмишда аёллар асосан уй-рўзгор ишлари ёки муайян касблар билан чегараланган бўлса, бутун улар кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, стартап ва экспорт соҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Сўнгги йиллардаги муҳим ташаббуслардан бири “Аёллар дафтери” тизимининг жорий этилганлиги. Бу тизим орқали ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмушда қийин аҳолга тушган хотин-қизларнинг манфаатлари давлат эътиборига олинди.

Натижада юз минглаб хотин-қизларга меҳнат бозориди имкониятлар яратилди, уларга қайта тайёрлаш курслари, бепул касб-хунар ўргатиш дастурлари тақдир этилди. Минглаб оналарнинг ижтимоий аҳоли барқарорлашди, юзлаб кичик бизнес субъектлари очилди. Бу механизмнинг аҳамияти шундаки, у нафақат ижтимоий ёрдам, балки иқтисодий мустақилликка эришиш воситаси сифатида хизмат қилмоқда.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда молиявий ресурслар муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда хотин-қизларга имтиёзли кредит, субсидия ва грантлар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Масалан, тижорат банклари орқали гаровсиз микрокредит бериш

амалиёти жорий қилинди. Бу эса кичик бизнес ёки оилавий тадбиркорликни бошламоқчи бўлган кўплаб аёллар учун катта имкониятлар эшигини очди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги, уй-рўзгор маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик, озик-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳалари етакчи бўлди.

Давлат субсидиялари ва халқаро грантлар ҳисобидан аёллар учун стартап дастурлари амалга оширилди. Бу лойиҳалар орқали кўплаб инновацион ғоялар ҳаётга татбиқ этилди.

Аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши нафақат иқтисодий кўрсаткичларни оширади, балки кенг маънода ижтимоий барқарорликка ҳам хизмат қилади. Чунки молиявий мустақилликка эришган аёл оиладаги нуфузини мустақамлашди, фарзандлар тарбиясига янада кўп вақт сарфлайди, жамиятда фаоллигини оширади.

Жаҳон тажрибасида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш барқарор ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Европа мамлакатларида имтиёзли кредитлар, АҚШда аёллар бизнеси учун алоҳида агентликлар, Японияда эса оилавий тадбиркорликка солиқ имтиёзлари кенг қўлланади.

Мамлакатимиз тажрибаси эса “Аёллар дафтери”, гаровсиз кредитлар ва махсус давлат дастурлари билан ажралиб туради. Бу модел миллий анъаналар ва замонавий бозор механизмлари уйғунлигини ифода этади.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш шунчаки иқтисодий дастур эмас. У жамиятнинг маънавий юқалиши, ижтимоий барқарорлиги ва оилалар фаровонлиги асосидир.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, нафақат оила, балки мамлакат тараққиётининг ҳам етакчи



қувватига айланиб бормоқда. Давлат томонидан яратилган имкониятлар эса бу жараёнда барқарор ва тизимли йўналишга айлантирмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг энг муҳим янгиликларидан бири Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида белгиланганидир. Бу таъриф давлатнинг асосий вазифаси ҳуқуқий кафолатлар билан чекланмай, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш ва баробар имкониятлар яратишдан иборат эканини аниглайди.

Шу нуқтан назардан қараганда, ижтимоий давлат ғояси марказида, аввало, хотин-қизлар ва оила институтини қўллаб-қувватлаш масаласи туради. Чунки аёлнинг жамиятдаги ўрни қанчалик мустақам бўлса, оила шунчалик барқарор, давлат эса қудратли бўлади.

Ижтимоий давлат концепциясида адолат тушунчаси муҳим ўрин тутди. Аёлларнинг турмуш даражаси, соғлиги, таълим олиши, меҳнат бозоридидаги мақоми ва сиёсий фаоллиги ижтимоий адолат мезонларидир.

Ислохотлар натижасида аёллар учун яратилган имкониятлар кўплаб ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Минглаб аёллар уй-жой билан таъминланди, фарзандлар боғча ёки мактабга жойлаштирилди, кўплаб аёллар тадбиркорликка жалб этилди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлари халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари орасида бешинчи мақсад гендер тенгликка эришишдир.

Мамлакатимиз бу мақсадни миллий дастурлар орқали изчил амалга оширмоқда. Натижада Ўзбекистон Оқигендер маълумотлари индексида мамлакатлар орасида етакчи 20 талikka кирди. Бу эса Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат модели нафақат



ички ислохотларда, балки халқаро миқёсдаги нуфузини мустақамлашда ҳам муҳим омил эканини кўрсатади.

Ижтимоий давлат концепцияси янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий ғоявий устунидир. Бу ғоянинг амалдаги ифодаси эса, аввало, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлаш, турмуш даражасини ошириш, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришда намоён бўлмоқда.

Зеро, ижтимоий давлатнинг куч-қудрати молиявий ресурсларда эмас, балки одамларнинг ҳаётидаги реал ўзгаришларда, хусусан, аёлларнинг бахти ва фаровонлигида кўринади.

Янги Ўзбекистондаги гендер сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири унинг фақат сиёсий ёки ижтимоий соҳаларга эмас, балки молиявий ва иқтисодий тизимларга ҳам изчил татбиқ этилаётганидир.

Маъжорий маънода молия тизими жамиятнинг иқтисодий қуввати ва барқарорлигини таъминлайдиган марказий асаб тизимига ўхшайди. Агар бу тизимда тенглик, адолат ва имкониятлар баробарлиги таъминланмаса, иқтисодиётдаги барқарорлик ва жамиятдаги ишонч ҳам заифлашади.

Хусусан, Марказий банкда қабул қилинган гендер сиёсати БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари билан уйғун ҳолда ишлаб чиқилган. Яъни SDG-5 — Гендер тенгликка эришиш мақсадига тўлиқ мувофиқдир.

Дунё тажрибасида молия институтлари орасида гендер тенгликка алоҳида эътибор

Дунёда гендер тенглик масаласи сўнгги ўн йилликларда барқарор ривожланишнинг асосий мезонларидан бирига айланди. Европа Иттифоқи давлатларида қонунчилик ва сиёсий институтларда хотин-қизлар иштирокини кафолатловчи “квота тизими” кенг қўлланади. Масалан, Швеция, Норвегия ва Финляндияда парламентда аёллар улуши 40-45 фоизга етган.

АҚШ тажрибасида эса аёлларнинг иқтисодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида институтлар ишлаб чиқилган. Масалан, “Women’s Business Centers” тармоғи орқали миллионлаб аёл тадбиркорлар бевосита давлат ёрдами ва маслаҳатлардан фойдаланмоқда.

Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларда эса аёлларнинг иши ва оилавий ҳаётидаги мувозанатни таъминлашга катта эътибор берилди. “Work-life balance” дастурлари орқали иш вақтидаги енгилликлар, масофавий меҳнат имконияти, бола тарбияси учун қўшмича имтиёзлар кенг жорий қилинган.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари орасида бешинчи мақсад гендер тенгликка эришиш сифатида белгиланган. БМТга аъзо давлатлар бу мақсадни миллий сиёсат ва дастурлар орқали амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенцияларда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, камситишга йўл қўймайлик, иш ҳақида тенглик каби масалалар қатъий белгилаб қўйилган. Европа Иттифоқи давлатлари ва АҚШда молия институтларида ҳам гендер тенглик стандартлари амал қилиш мажбурияти юклатилган.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида илгари сурган ташаббуси — Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириш ғояси тарихий аҳамиятга эга янги босқичдир. Бу ғоя нафақат миллий ёки минтақавий даражада, балки бутун жаҳон миқёсида аёллар салоҳиятини жамият тараққиёти ва глобал интеграция жараёनларига қўшиш учун улкан имконият очади. Ўшбу платформа Осиё давлатларига ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш, аёлларнинг беқийс куч ва салоҳиятидан фойдаланиш имконини бериб, жаҳон ҳамжамияти олдиди Ўзбекистон ташаббусининг илгори ва ҳаётий аҳамиятга эгаллигини намоён этади.

Дунё тажрибасини Ўзбекистон амалиёти билан солиштирсак, миллий моделнинг қатор афзалликларини кўриш мумкин. Жумладан, Европа ва АҚШда асосий эътибор сиёсий ва иқтисодий тенгликка қаратилган бўлса, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва оиланинг фаровонлиги алоҳида устуворлик сифатида белгиланган. Япония ва Жанубий Кореяда “иш ва ҳаёт мувозанати” дастурлари мавжуд бўлса, Ўзбекистонда бу тамойил янги тахрирдаги Конституцияда ҳуқуқий кафолат даражасига кўтарилган. Кўп давлатларда гендер сиёсатини алоҳида ташкилотлар амалга оширса, Ўзбекистонда бу жараён барча давлат идоралари фаолиятига интеграция қилинмоқда.

Бутун жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар, муаммо ва хатарлар давлатларнинг алоҳида-алоҳида эмас, балки уйғун ҳаракат қилиши, тажриба алмашиш ва мулоқотнинг янги механизмларини йўлга қўйишини тақозо этмоқда. Айниқса, гендер сиёсатини ривожлантириш ва хотин-қизларнинг жамиятдаги



ролин мустақамлаш масаласида бу йўналиш жуда муҳим аҳамиятга эга. 2020 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти бу борадаги илк қадам бўлди. Ўшбу платформа қисқа муддатда минтақада гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда очик мулоқот ва конструктив ҳамкорлик механизмига айланди.

Бу формат доирасида зуравонликка қарши қонуний асосларни таъминлаштириш бўйича тажриба алмашиш, қўшма бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, минтақавий хавфсизлик ва экология масалаларини биргаликда кўриб чиқиш каби амалиётлар йўлга қўйилди. Натижада Марказий Осиёда хотин-қизларга оид долзарб масалалар бўйича умумий қараш ва биргаликдаги ҳаракат тизими шаклланди.



Парламентларо иттифок доирасида бу ижобий тажрибани бошқа минтақавий гуруҳлар доирасида ҳам жорий қилиш тақдир этилди. Бу орқали турли минтақаларда аёллар фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги иштироки кенгайтирилади. Ўзбекистон бу йўналишда ўз тажрибасини ўртоқлаштишга тайёр.

Халқаро тажрибага кўра, гендер тенгликка эришиш шунчаки инсон ҳуқуқлари сиёсати эмас, балки ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётнинг асосий омилдир. Ўзбекистон ўз тажрибасини жаҳон амалиёти билан уйғунлаштириш экан, миллий моделнинг афзалликларини сақлаб қолишга ҳам эътибор қаратмоқда. Зеро, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари таъминланган мамлакат барқарор тараққиёт сари ишончли қадам ташлайди.

Ўртимизда ўшбу йўналишдаги ислохотлар янги тараққиёт стратегияси марказида инсон қадри туришидан далолат бермоқда. Бу қадриятнинг энг муҳим йўналишларидан бири гендер тенгликни таъминлашдир. Чунки хотин-қизлар ва эркеклар имкониятларининг мутаносиблигисиз барқарор иқтисодий ўсиш, самарали ижтимоий сиёсат ва демократик тараққиёт ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аёлларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш масаласи белгилаб қўйилди.

Гендер тенглик сиёсати молия тизимида ҳам институционал асосда амалга оширилаётгани мамлакатдаги ислохотларнинг чуқурлигини кўрсатади. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар сиёсати” бу соҳадаги илғор қадамлардан бири бўлиб, халқаро стандартларга тўлиқ уйғун ҳолда жорий қилинмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз молия тизимининг халқаро обрў-эътиборини ошириб, давлатнинг жаҳон миқёсидаги позициясини мустақамлашди. Зеро, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни мустақам бўлган мамлакатда миллиятнинг келажиги ҳам равшан бўлади. Янги Ўзбекистон айнан шундай йўлдан бормоқда.

Гендер тенгликни таъминлашнинг энг самарали йўли бу — таълим орқали тенг имкониятлар яратишдир. Чунки таълим жамиятнинг тараққиёт локомотиви, барча соҳада аёллар ва эркеклар имкониятларини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Ўртимизда охириги йилларда аёл-қизларнинг таълимдаги иштироки сезиларли даражада кенгайди. Мактабдан тортиб олий

таълим муассасаларига қизлар учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада таълим тизимида қизлар улуши кескин ошиб, айрим йўналишларда уларнинг иштироки сезиларли даражада ортди.

Хотин-қизларни математика, физика, ахборот технологиялари каби соҳаларга қизиқтириш мақсадида махсус грантлар, стипендиялар ва дастурлар амалга оширилмоқда. “TechnoGirls Uzbekistan” ва “SheCodes” лойиҳалари қизларни дастурлаш, робототехника ва инноваторлик соҳаларига жалб этишда самарали бўлмоқда.

ЮНЕСКО, БМТТД ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг таълим олишини рағбатлантирувчи лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, қишлоқ ҳудудларда қизлар учун онлайн таълим дастурлари, масофавий курслар очилмоқда.

Гендер тенглик масаласини фақат қонунчилик ёки давлат дастурлари орқали ҳал қилиш мумкин эмас. Бу жараён жамият онги ва маънавий муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Агар жамоатчилик онгида аёл ва эркек тенг ҳуқуқчилиги қадрият сифатида шаклланса, ислохотлар самараси янада юқори бўлади.

Бу борада жамоатчилик фикри сўнгги йилларда сезиларли даражада ўзгарди. Айниқса, ёшлар орасида аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги иштирокига ижобий муносабат кучайиб бораётди. Тадқиқотларга кўра, ёш авлоднинг катта қисми гендер тенгликни демократик жамиятнинг табиий шарти сифатида қабул қилади. Аҳолининг катта қисми аёлларнинг давлат бошқарувида фаол иштирокига ижобий қарайди.

Аёлнинг оиладаги ўрни, она сифатидаги масъулияти ва жамиятдаги нуфузи тенглик масаласини янада кенг қамровли маънода талқин этишни талаб қилади. Гендер тенглик аёлни оиладан узоқлаштириш эмас, балки унинг имкониятларини кенгайтириш, оила ва жамият мафлаатларига кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган нодавлат ташкилотлар фаолияти тобора кучаймоқда. Улар жамоатчилик онгини ўзгартириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва турли ҳудудларда аёлларга амалий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро муносабатларда алоҳида устувор йўналиш сифатида қаралаётган бир даврда Ўзбекистоннинг бу борадаги тақдирлари глобал ривожланиш жараёнларига ҳамроҳдир. Президентимизнинг натижада аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини кенгайтиришга доир фикрлари БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ.

Шу орқали Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида “инсон қадри — олий қадрият” тамойилини амалда намоён этди. Ўшбу ташаббус халқаро ташкилотлар, давлатлар ва минтақавий тузилмаларнинг қўшма ҳаракатларини уйғунлаштиришга қаратилгани билан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Президентимизнинг тақдирлари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлангани Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ва гендер тенглик сиёсатининг жаҳон андозаларига мослигини яна бир бор намоийш қилди. Бу эса мамлакатимизнинг глобал сиёсий майдондаги нуфузини орттириш билан бирга ички ислохотларнинг самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалар улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу йўналишда Жиззах вилоятида ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2024 йилда Ғаллаорол туманида 220 мегаватт қувватга эга қуёш электр станцияси ишга туширилди. Бу лойиҳа йилига юз миллионлаб киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шу орқали минглаб хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланмоқда. Қиймати 150 миллион долларлик ушбу лойиҳа доирасида 2024 йилнинг ўзидаяқ 228,6 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, ягона тизимга узатилди.



ЖИЗЗАХЛИКЛАР ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Фориш туманида қуввати 500 мегаватт бўлган фотоэлектр станцияси қурилмоқда. 285 миллион долларлик лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, йилига 1,27 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Натигада 385 миллион куб метр табиий газ тежалди. Шароф Рашидов туманида 550 мегаватт қувватли иссиқлик электр станцияси қурилиши бошланди. Лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг биринчи босқичи (380 мегаватт) 2026 йил охирига қадар, иккинчи босқичи (170 мегаватт) 2027 йилда ишга туширилади. Станция йилига 4 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Зафаробод туманида эса икки кичик ГЭС қурилмоқда. Уларнинг умумий қуввати 2 мегаватт бўлиб, йилига 11 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқариш режа қилинган.



Президентимизнинг шу йил 1 апрелдаги “Ёқилиш-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарориди энергия тежамкорлиги ва самарадорлигини янада оширишга доир тегишли вазифалар белгилаб берилган. Мўқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтириш, энергия тежовчи технологияларни ўрнатиш орқали 2,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш кўзда тутилган. Бу 1,1 миллиард куб метр табиий газ тежалди деганидир.

— Жиззах вилояти аҳлининг электр энергиясига эҳтиёжи йил сайин ўсиб бормоқда, — дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ “Энергосавдо” филиали Жиззах бўлинимаси қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳисобини юритиш бўлими бошлиғи Меърож Пардаев. — Чекланган табиий ресурсларга суянган ҳолда бу эҳтиёжни тўлиқ ва барқарор қаноатлантириш имконсиз. Шу боис, мўқобил энергия манбаларига, айниқса, қуёш энергиясига эътибор кучаймоқда.

Жорий йилда аҳоли хонадонларига, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий соҳа объектларига жами 51,4 мегаваттлик қуёш панелларини ўрнатиш режа қилинган. Шу кунгача режанинг

қарийб 90 фоизи бажарилди. Бундан ташқари, режада 71 йирик саноат корхонасида энергияни тежаш зарурлиги кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди умумий қуввати 100 киловаттгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларга қатор имкониятлар белгиланган. Хусусан, улар уч йилгача ушбу қурилмалар учун мол-мулк ва ер солиғи тўламайди.

Юридик шахслар эса сотган электр энергияси фойдасидан ҳисобланадиган солиқни уч йилгача тўламайди. Агар қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган энергиянинг камида 25 фоиз қувватига эга электр энергиясини сақлаш тизими билан бирга ўрнатилса, бу имтиёзлар ўн йил муддатга берилди. Шу каби имтиёзлар тарғиботи сабаб Жиззахликлар орасида қуёш панелларидан фойдаланиш омалашиб бормоқда.

Бугун аҳоли уйи ёки корхонасини электр энергияси билан таъминлаш баробарида ортиқча қувватни сотиб, фойда кўриш мақсадида ҳам қуёш панелларини ўрнатмоқда. Чунки эҳтиёждан ортган ҳар бир киловатт электр энергиясини давлат

қўринади. Масалан, Жиззахдаги саноат корхонаси полиэтилен материал ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона оинга 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бунинг учун 80 минг киловатт-соат электр энергияси сарфлайди.

— Бозорни ўрганиб, бизга рақобатчи корхоналарнинг бир сиридан воқиф бўлдим. Улар қуёш панеллари ўрнатиб, электр учун деярли пул тўламас экан. Биз ҳам корхонамиз негизда қуёшдан қувват оладиган 400 киловаттлик кичик электр станциясини ишга туширдик, — дейди корхона раҳбари Шерзод Салимов. — Тизимнинг қулайлиги сабаб умумий энергия истеъмолини қарийб 40 фоиз тежашга эришдик. Мазкур тизимнинг афзаллиги маҳсулот таннариҳида аққол кўзга ташланмоқда. Онлайн платформа орқали корхонамиздаги умумий энергия таъминоти ва қуёш панели ёрдамида генерация бўладиган электр энергияси кунлик назорат қилинади. Бу аниқ ҳисоб-китоб учун жуда муҳим. Келгусида ушбу қувватни 1 мегаваттгача етказишни ният қилганмиз.

— Қуёш панели ўрнатилган хонадонларда электр энергияси харажати 30 фоизгача қисқаряпти, — дейди Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Жиззах филиали раҳбари Феруз Раҳимов. — Бу маълумот яқинда ўтказилган тадқиқотимизда маълум бўлди. Эътиборлиси, аҳоли орасида энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш кенг омалашмоқда. Масалан, хонадонларнинг 78 фоизда тежамкор чироқлар, 60 фоизда энергия тежовчи маиший техникалар, 31 фоизда эса ҳароратни мўътадил сақловчи замонавий дераза ва эшиклар ўрнатилган. Шу билан бирга, аҳолининг “яшил” технологияга қизиқиши ортган. Тадқиқотда қатнашганларнинг 38 фоизи келажакда қуёш панели ўрнатишни режа қилганини айтган. Бу кўрсаткичлар вилоятда энергия самарадорлигини ошириш учун ҳали катта имкониятлар борлигини далolat беради.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПАХТА ТЕРИМИ ЭНДИ ДАРД ЭМАС, ДАРОМАД

Фарғона вилоятида пахта йигим-терими қизгин паллада. Жорий масвумда пахта етиштирилган 72 минг гектар майдоннинг 60 минг гектарига Хитой тажрибаси қўлланди. Қатор оралиғи 76 сантиметр схемада чигит қадаш ва ҳосил етиштириш усули жорий қилинди. Янги технологиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳосилни машиналар ёрдамида териш ғоят қулай.



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Йигим-терим ишларини қисқа муддатда, сифатли ўтказиш мақсадида 200 та замонавий пахта терим машинаси жалб этилган. Бу кўл терими билан болгиқ ишлар ҳажмини 60-70 фоизгача қисқартирмоқда.

...Илгари пахта йигим-терими бошланса, қишлоғимиз алғов-далғов бўлиб кетарди. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, ҳаммага теримга боришни шарт қилиб қўярди. Бирор баҳонага ўрин қолмасди. Тўй-маърака, оилавий маросимлар ҳам тўхтарди. Катта-кичик ҳамма пахта майдониди бўларди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи аксарият уловларнинг иш қуни ҳашарчиларини пахта дала-сига олиб боришдан бошланарди. Бунга улар ихтиёрли-мажбур ҳам эди. Бундай иш тутма-са, керакли ташкилотлар томонидан таноби тортиб қўйиларди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йигини тавсияси билан бола пулини олаётганлар йигим-теримнинг сўнги кунига қадар даладан бери келмасди.

Президентимизнинг қатъий сиёсий ирода-си билан қишлоқ хўжалиги соҳасида бошлан-ган ҳаётбахш ислохотлар эски анъаналарга

барҳам берди. Соҳага илм-фан, янги техника ва технологиялар кириб келди, деҳқонлар манфаатдорлиғи ошди. Чигит экиш, парваришлаш аграотехникаси ўзгарди. Натигада юқори ҳосил олиш, хомашё сифатини ошириш имконияти яратилди.

— Ҳозир Фарғона вилоятидаги 12,5 минг фермер хўжалиғида йигим-терим давом этмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Алибек Турсунов. — Олти-етти йил илгари пахта ҳосилдорлиғи 25-27 центнерни ташкил этарди. Ҳозир бу кўрсаткич 50-60 центнерга етди. 700 та фермер хўжалиғи ўз ҳисобидан пахта етиштирди. Келгуси масвумда улар сони 1200 та бўлади. Пахтачилик механизациялашди, фермерларнинг техника парк янгиланыпти. Шу кунга қадар вилоятимизга 1137 та юқори унумли ҳайдов, лазерли текислагич, чигит экиш саялкаси, чопиқ культиваторлари, дон ўриш ва 200 та пахта териш техникаси сотиб олинган қўл меҳнатини камайтирди, иш унумдорлигини оширди.

Вилоятдаги майдонларнинг 29,6 минг гектаридаги пахта кўлда, 42,4 минг гектаридаги ҳосил эса махсус техникалар ёрдамида териб олинади. Бу масвумда 200 минг тоннадан ор-тиқ пахтани, яъни 60 фоиз ҳосилни техника ёрдамида териб олиш имконини беради. Ўт-ган масвумда бу борадаги кўрсаткич бор-йў-ғи 26 минг тоннага етган эди.

— Бу йил 25 гектарга янги технология асосида пахта эдик, — дейди Фурқат туманидаги “Аббос” фермер хўжалиғи раҳбари Музаффар Алиқонов. — Бир гектар ерда 250

мингтагача кўчат парваришланади. Бу эски усулга таққослаганда 80-100 минг донга кўп. Ҳосилни пахта терим машиналари ёрдамида икки иш кунига териб олдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қабул пунктларига 150 тоннадан ортиқ ҳосил топширдик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик салмоғи 50 центнердан ошди. Аввал бу ишларни бажариш учун 30-40 теримчи билан 35-40 кун овоза бўлганмиз. Бу йил эса ўзимиз сотиб олган терим машиналари ёрдамида ҳосилни йигиб олдик. Мисол учун, 10 тонна пахта кўлда тери-лса, 20 миллион сўм терим пули берилади. Машинада териlsa, 13,7 миллион сўм бўла-ди. Янги технология вақтимизни, маблагимизни тежаяпти.

Бу масвумда пахтачилик хўжалиқларига ҳар жиҳатдан қулайлик яратиб берилаётир. Фермерларга топширган пахтасининг ҳар тоннаси учун 1 миллион сўмдан субсидия берилади. Агар фермер хўжалиғи пахта хомашёсини етиштириш учун олган имтиёзли кредитини ҳосил йилнинг якунига қадар қайтарса, ушбу кредитга тўланган фоизнинг 4 фоизи субсидия сифатида қайтариб берилади. Шунингдек, пахтани ўз маблага ва тижорат кредити ҳисобидан етиштириб, биржада сотган фермер хўжалиқларига ҳисоб-факту-радаги қийматнинг 10 фоизи миқдорида суб-сидия ажратилади.

Фарғона шаҳридаги солиқ механика заво-ди ҳудудида “Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co. Ltd” компанияси билан пахта териш машиналарини йигиш, техника-ларга хизмат кўрсатиш, механизаторлар учун

қўқув маркази ташкил этиш лойиҳаси ишга тушди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий агрегатларга талаб кўндан кунга ортиб бормоқда. Сабаби тезкор ва қулай, энг муҳими, тайёр ҳосилни тўкиб юбормаслик, юқори унумдорлик хусусиятлари билан ажра-либ туради. Техникалар пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжалиқларига мақбул нархларда белгиланган имтиёз асосида етказиб беришмоқда.

— Замонавий пахта териш агрегатлари 20 фоизли дастлабки тўлов билан 10 йил муд-датга лизинг ва 15 фоизли субсидия асосида етказиб бериляпти, — дейди “O‘zagrolizing” Фарғона вилояти филиали директори Фо-фуржон Матҳолиқов. — Ўтган йили фермер ва пахта-тўқимачилик кластерларига 50 дан ортиқ пахта териш машинаси етказиб бери-лди. Жорий йилда бу кўрсаткич 200 дан ошди. Агролизинг ва “Fergana Swan Cotton Industrial Machinery” корхоналари ўртасида тузилган шартномага кўра, сотиб олинган пахта териш машиналарига хизмат кўрсатилади. Бунинг учун 24 соат ишлайдиган Call center ташкил этилган.

Пахтачиликдаги истиқболли лойиҳалар хомашё етиштиришни кўпайтириш билан бирга қўшилган қиймат занжирини яратиш, янги иш ўринлари очиш, кўл меҳнатини ка-майтиришга хизмат қиляпти. Фарғона ви-лоятида ўтган йилнинг ўзиди бу мақсадларга хизмат қиладиган 462 та янги лойиҳа амал-га оширилди. Экспортёр агрокористлар ҳамда фермер хўжалиқлари томонидан 315 мил-лион долларлик қишлоқ хўжалиғи маҳсу-лоти экспорт қилинди. Бу аввалги йилларга қиёслаганда 1,5 баробар кўп. Муҳими, пахта ҳосилни йигиб-териб олишга энди юртдош-ларимиз дард, муаммо деб эмас, даромад деб қарамоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган асосий тадбир — “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган тантанали маросим бу гал юртдошларимизда ҳар йилгидан ўзгача таассурот қолдиргани ҳамон ёдимизда. Шодиёнани бевосита катта сахна атрофида ёки экран ортида кузатар эканмиз, ҳақиқатан, бу йилги байрам тадбири бошқаларидан фарқ қилгани, кўшимча ёрқинлик ва деталлари билан ажрალიб турганига гувоҳ бўлдик. Кимдир сахнадаги ватанпарварлик чиқишларини, кимдир ўзига хос безакларни, яна кимдир тадбир сценарийсини эътироф этди.



Айниқса, байрам тадбири давомида “Янги Ўзбекистон” боғи марказидаги Мустақиллик монументи тепасида дронлардан ҳосил қилинган турли тасвирлар кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Хатто дронлардан шу тарзда фойдаланилиб, осмонда ўзига хос шоу яратилгани тадбирнинг асосий ангиллиги сифатида тилга олинмоқда. Бойси, ҳаракатланувчи тасвирлар кўпчилики маҳлиё қилиб қўйди. Бир вақтнинг ўзида тепага минглаб дрон кўтарилиб, кетма-кет турли тасвирлар ҳосил қилинганидан ҳайратланганлар оз эмас. Гарчи асримизнинг энг замонавий технологияларидан бири бўлган дронларга анча кўнникан бўлсак-да, уларнинг мамлакатимиз амалиёти, хусусан, катта тадбирларда фаол қўлланилаётганини қизиқшимизни ошираётди.

Шу ўринда юртимиз мустақиллиги санасига бағишланган тадбир давомида нечта дрондан фойдаланилгани, бизни ҳайратга солган тасвирлар қандай яратилгани, ушбу қурилмаларни бошқариш техникаси билан боғлиқ саволлар ҳам пайдо бўлди. Уларга жавоб олиш мақсадида бевосита юртимизда дрон қурилмаларидан фойдаланиш бўйича қатор вазифаларни амалга ошириб келаётган ташкилот мутасаддиларига юзландик. Кадастр агентлиги директори ўринбосари, “Геоинновация маркази” ДУК директори Абдушуккур АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз ана шу дрон-шоу борасидаги саволлардан бошланди.

— Ҳақиқатан, истиқлолимизнинг 34 йиллик шодиёна тантанаси ўзига хос шукҳда ўтди. Бир неча йиллардан буён ушбу сана муносабати билан ўтказиладиган бош тадбирда дронлардан фойдаланиш анъанага айланди. Бу йилгиси эса кўлам ва ранг-баранглик жиҳатидан сезиларли фарқ қилганини юртдошларимиз ҳам кузатди. Яъни мустақиллик айёми муносабати билан Ўзбекистонда илк бор тарихий кўламдаги, энг сўнгги V4 инновацион дрон-шоу ташкил этилди. Бунинг юртимизда техник инновацияларни қўллаш йўлида ташланган янги қадам дейиш мумкин.

Тўғри, Кадастр агентлигининг Геоинновация маркази кўп йиллардан буён дрон-шоу тадбирларини ўтказиб келмоқда. Аммо Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан ташкил этилган катта тадбирда намоийш этилган дрон-шоу комплекси 2018 йилдан то шу кунгача ўтказилган 45 дан ортқ дрон-шоудан тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, янги дрон-шоу комплекси 4-авлод технологияларига мансуб (олдинги даврдаги дронлар 2- ва 3-авлод). Бу янги авлод дронларини фавқулодда носозлик келиб чиққанда олдинчилари каби қулаб тушмайди, балки ўзи учиб чиқиб кетган ячейкага қайтиб келиб тушади ва унинг ўрнини захирода турган бошқа дрон эгаллайди. Агар носозлик келиб чиққан дроннинг ўз ячейкасида қайтиб бориш имкони бўлмаса, автоматик тарзда унинг парашют қурилмаси ишга тушиб, хавфсиз ҳолатда ерга қўнади.

Иккинчидан, олдинги авлод дронлари қатъий белгиланган, томонлари 1 метрдан иборат бўлган ячейкаларда жойлаштирилган бўлса, янги авлод дронлари ўзлари сақланадиган ва транспортировка қилинадиган қутиларнинг ўзидан учиб чиқиб, шоу тутагач, яна шу қутиларга, айнан ўзи турган ячейкага қайтиб тушади.

Учинчидан, олдинги авлод дронларининг ҳар бири хизмат кўрсатувчи мутахассислар томонидан қўл бошқарувида калибровкадан (созлашдан) ўтказилади. Бунда мутахассис дрон турган жойда тикка турган ҳолда уни ўзи билан бирга айлантириб турар ва бошқарув тизимида шу дрон кўрингунга қадар соझлаш давом эттиради. Албатта, бу жуда кўп меҳнат ва вақт ресурсларини талаб этади.

Тўртинчидан, янги тизим дронларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар нормаси ҳар 100 та дронга бир нафарни ташкил этади. Олдинги авлод дронларида эса бу кўрсаткич ҳар 15 та дронга бир нафардан тўғри келарди.

Бешинчидан, аввалги дрон-шоу комплексида осмонда ясаладиган геометрик фигураларни тузиш дастурий платформаси хитойлик ишлаб чиқарувчи компаниянинг ўзида бўлиб, ҳар гал шоу учун фигуралар дастури шу компанияга буюртма қилинган. Янги авлод комплексида эса бу фигуралар Хитойда малака ошириб келган мутахассисларимиз томонидан бажарилди. Бу ҳар бир дрон-шоу харажатларида 10 минг долларгача маблағ тежаш, энг муҳими, дрон-шоунинг ишлаб чиқарувчи компания широкисиз ташкил этиш имконини беради.

Бундан ташқари, янги авлод дронларининг учиб тезлиги, тегишли позицияни эгаллашга вақт сарфи, ташқи ҳароратга, шамолга бардошлилик кўрсаткичлари олдинги авлоддагиларникига нисбатан 1,5 баравар кучли. Яна бир муҳим хусусият, янги авлод дронлар таркибиде феёверк отувчи махсус дронлар борлигида. Бу дронлар универсал бўлиб, ёруғлик тарқатувчи дрон режимиде



юртдошларимизда янада ватанпарварлик, фахр ва гурур шукҳини уйғотганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, Ўзбекистон ҳаритаси, байроғи, футбол тўпи тасвирлари 2D ва 3D анимациялар билан уйғуллаштирилди. Айниқса, парвоз қилаётган ҳумо қуши тасвири томошабинларни ўзгача тўқинлантирди. Бойси, озода парвоз қилаётган қуш мустақиллигининг ва келажакка интилган янги авлоднинг рамзи сифатида намоён бўлди. Бу тасвирлар ердан 150 метр баландда, ўлчами узунасига 600 метр, энгига 350 метр фазовий майдонда ташкил этилди.

Кўпчилик дронлар ёрдамида тасвир яратиш қанчалик мураккаб эканига қизиқади. Албатта, бу осон жараён эмас. Ҳар бир шакл-

мий-маънавий аҳамиятига кўра, халқимизга байрамлар ва муҳим саналарда ўзига хос қайфият, завқ беради. Давлат рамзлари, миллий қаҳармонлар ва маданий образларни замонавий технологиялар орқали кўриш одамларга ўзгача руҳий таъсир кўрсатади. Фахр, ватанпарварлик каби эзгу туйғуларни уйғотади.

Шу билан бирга, дрон-шоулар инновацион имкониятларни намоийш этиш воситаси ҳамдир. Замонавий инновацион ёндашув юртимизнинг технологик салоҳияти ҳамда миллий имижини намоийш қилади. Бу сайёҳлар ва инвесторлар учун ҳам жозибадорликка эга.

Умуман, дрон-шоулар оммавий тадбирлардан минглаб томошабинларга кўтаринки ру-



“

Оддий геометрик тасвир ёки рамзларни ҳосил қилиш учун 300 тадан ортқ дрон етарли бўлади. Аммо миллий рамзлар, ҳаракатланувчи анимациялар ёки 3D кўринишдаги катта композициялар учун мингдан ортқ дрон жалб этилиши мумкин. Одатда дрон-шоу тадбирларини ўтказиш учун 250-300 та, катта тадбирларда 1200-1500 та микродрондан фойдаланамиз.

ни тайёрлаш устида ташкилотнинг дизайнера ва муҳандис мутахассис ишлайди. Улар тасвир сценарийсини ишлаб чиқади, дронлар ҳаракатини синхронлаштиради ва хавфсизлигини таъминлайди. Тайёргарлик вақти ҳам тасвирнинг мураккаблигига боғлиқ — оддий тасвир учун камида 3 кун, катта ва мураккаб анимациялар учун эса 1 ҳафтагача вақт талаб этилади.

Зарур бўладиган дронлар сони ҳам шаклнинг ҳажми ва мураккаблигига боғлиқ. Оддий геометрик тасвир ёки рамзларни ҳосил қилиш учун 300 тадан ортқ дрон етарли бўлади. Аммо миллий рамзлар, ҳаракатланувчи анимациялар ёки 3D кўринишдаги катта композициялар учун мингдан ортқ дрон жалб этилиши мумкин. Одатда дрон-шоу тадбирларини ўтказиш учун 250-300 та, катта тадбирларда 1200-1500 та микродрондан фойдаланамиз.

Дрон-шоулар ўтказиш Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда 2018 йилдан бошланган. Ҳозирги кунда бу йўналиш анча оммалашиб, замонавий маданий тадбирларнинг ажралмас қисмига айланди. Бойси, дунё давлатларидаги каби юртимизда ҳам дрон-шоуларга қизиқиш юқори. Шу даврга қадар мамлакатимиз бўйлаб 45 дан ортқ шундай шоу ўтказилгани бунинг мисоли. Катта тадбирлар, байрам саналарида юзлаб, минглаб ўзи учар қурилма иштирокда кўрсатилган бундай томошалар барчада ўзгача ҳиссиёт уйғотади. Яъни дрон-шоулар ижти-



хиятни, юқори даражадаги эътирофни, жойи келганда, ўзига хос шахсий гурурини, фахрини уйғотади. Томошабинларнинг техник маданияти янада юксалишига туртки беради. 2023 йилда ўтказилган дрон-шоудан кейин ижтимоий тармоқларда чиққан бир эътирофни мисол сифатида келтириб ўтмоқчиман: “Бошқаларда дронлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланилаётган вақтда Ўзбекистонда тинчлик дронлари учмоқда. Дунё тинчликни Ўзбекистондан ўрганасиз!”.

Яна бир ҳолатга тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Биласизми, ҳар бир кат-

та тадбирда дрон-шоу ўтказилгандан кейин ташкилотимизга мурожаат қилувчи ёшлар сони кескин ортади. Бу мурожаатлар “Дронларни бошқариш операторлигига ўқиса бўладими, дронларни лойиҳалаш, бошқариш бўйича қайси олий таълим муассасасида таҳсил олиш мумкин?” каби саволлардан иборат. Улардан дрон-шоунинг кўрган ёшларда ушбу технологияга қизиқиш пайдо бўлганини тушуниш қийин эмас.

— Дрон номи билан аталадиган ихчамгина ўзи учар аппаратларнинг имкониятлари бошқа йўналишларда ҳам кишиларни ҳайратга солишда давом этмоқда. Жажанда деярли барча соҳада дронлардан фойдаланилган. Мамлакатимиз амалиётида бу қурилма қанчалик зарур? Ҳозиргача қайси соҳа ва йўналишларга кириб бори?

— Бу қурилма илк бор ўтган асрда ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун яратилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уни қўллаш йўналишлари чегара билмайди. Гап бизнинг асримизга келиб пайдо бўлган квадрокоптерлар, яъни оддий фуқаролар ҳам фойдалана оладиган ҳозирги кўринишдаги замонавий дронлар ҳақида борапти. Улар шу қадар тез оммалашдики, қисқа вақтда қўллаб тармоқларга кириб бори. Айниқса, бу турдаги қурилмалар такомиллашиб, ҳажми кичирайиб бориши билан дунё давлатларида уларга қизиқиш ортди. Ҳозир дронларга элтиб бериш хизматларидан тортиб, ҳарита тузувчи, ер остидаги коммуникацияларни мониторинг қилувчи, газ магистралларини текширувчи, сув ости объектларини, тўғонларни тадқиқ этувчи, чорва молларини кузатувчи каби вазифалар бемалол юқлатилган. Айниқса, қишлоқ хўжалигида жуда кенг қўлланилмоқда. Ерларни шудор қилиш, экин экишга тайёрлашдан тортиб, эканларнинг униб чиқиши, суғориш ва вегетация жараёнини, экинга суяқ ва сунепсия ҳолидаги ўғитлар ва дори пуркаш, ҳосилни прогноз қилиш ва шу каби мақсадларда дронларни қўллаш республикаимизда илк одимларини бошлаган. Бу мақсадларда фойдаланиладиганлар агродронлар деб юритилади.

Ўзбекистон амалиётида бу қурилмага талаб юқори. Мамлакатимизда учувчисиз, яъни масофадан бошқариладиган учиб қурилмаларидан фойдаланиш 2014 йиллардан бошланган. Аммо уларнинг маҳаллий бозорга фаол кириб келиши 2017 йилга тўғри келади. Юртимиз ҳудудида, асосан, дронларнинг мультиспектр гуруҳига кирувчи квадрокоптер (4 парракли) тури кенг тарқалган. Ихчам ҳажми, оператор бошқаруви осонлиги, оптик малаҳашган конструкция ва дизайн, аэродинамик қаршилиқни тўғри тақсимлаш каби қулайликлари боис, аэротасвир ва турли видеокузатувлар жараёнида фойдаланилади. Қолаверса, саноатнинг кўп тармоқларида шу турдаги дронлар асқатади.

Ҳозир дронлардан геодезия ва ер мониторингида кенг ва самарали фойдаланилаётган. Ушбу соҳада ваколатли бошқарув органи — Кадастр агентлиги тасарруфидеги ташкилотларда, ҳудудий тузилмаларида турли русумдаги юздан ортқ дрон иш фаолиятида. Бу дронлар ёрдамида олдинлари бир геодезист 7-8 кунда бажарган иш бир кунда бажарилмоқда, ўзбошимчилик билан қурилган биноиншоотлар илгари ноқонуний объект қуриб бўлингандан кейин аниқланган бўлса, ҳозир дронлар ёрдамида пойдевор қилиш ёки ер те-



кислаш ишлари бошлангандаёқ аниқлаш имкони бор. Шунингдек, рельефни хариталар тузишда авваллари геодезик линейкалар билан бутун ҳудудларни ўтиб ўлчаш ишлари қилинган бўлса, эндиликда рельефли хариталар дронларда олинган тасвирлар орқали яратилмоқда.

Марказимиз мутахассислари ҳозир бир нечта йўналишларда тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Дронлар ёрдамида бориш қийин бўлган ер майдонларига турли ўсимлик уруғларини (сақовул ва шу каби чўл ўсимликлари) ерга қадаш, баланд қаватли биноларнинг юқори қаватларига ўт ўчириш

воситаларини пуркаш ва етказиб бериш, шунингдек, сув ҳавзалари ва чўмилиш зоналарида кўтқарув гардишларини етказиб бериувчи дронлар устида тадқиқотлар қилинилади.

Сўнгги йилларда қурилиш соҳасида лойиҳалар мониторинги, туризм ва оммавий тадбирларда ҳам дронлар кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга, фавқулодда ҳолатларда аҳолини тезкор баҳолаш ва ҳудудларни кузатишда уларнинг самарадорлиги юқори.

Умуман, дронлардан исталган соҳада фойдаланиш мумкин, фақат тегишли тартиб ва талабларга риоя этган ҳолда. 2021 йил 31 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомида ушбу турдаги қурилмалардан фойдаланиш ва рўйхатдан ўтказиш қоидалари келтирилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда дрон қурилмаларини рўйхатдан ўтказиш ишлари Давлат ҳаво ҳаракати хизмати ва ички ишлар тизими орқали тартибга солинади. Бу қатъий қонунчилик талаблари асосидаги иш. Жараёнда қурилма тўғрисидаги техник маълумотлар тақдим этилган, хавфсизлик талабларига мувофиқлиги текширилади ва тегишли органлар томонидан рухсатнома берилади. Мазкур тартибдан кўзланган асосий мақсад ҳаво маконида хавфсизлиқни таъминлаш ва дронлардан самарали ҳамда қонуний фойдаланишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда дронлардан кўпрок юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари, илмий ва таълим муассасалари, давлат ташкилотлари фойдаланади. Тўғри, ҳозир улардан жисмоний шахслар ҳам шахсий мақсадларда фойдаланишни мумкин, фақат бу белгиланган тартиб-қоидалар ҳамда расмий рухсатнома олинган ҳолда амалга оширилади. Бойси, дронлар хавфсиз техника қаторига кирса-да, смартфон каби оддий қурилма эмас. Нафақат бизда, балки дунёда уларни қўллашга оид тартиб ва талаблар бор. Бу, албатта, хавфсизлик масалаларига бориб тақалади.

Айрим давлатлар, масалан, АКШ, Япония ва Европа мамлакатларида кичик турдаги дронларни оддий фуқаролар ҳам махсус талабларсиз сотиб олиши мумкин. Бироқ катта ҳажмли ва стратегик турдаги қурилмалар бутун дунёда қатъий назорат остида. Юртимизда ҳам дронларнинг муайян турлари — умумий массаси 250 граммгача бўлган, тасвирга олмайдиган дронлар аллақачон сотувда мавжуд.

— Балки дронлар ўзимизда ишлаб чиқарилса, оддий одамларнинг ҳам улардан фойдаланиш имконияти кенгайар? Умуман, юртимизда учувчисиз учиб аппаратларини маҳаллийлаштириш, улардан соҳаларни рақамлаштиришда фойдаланиш бўйича қандай ишлар қилинапти?

— Дронларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар аллақачон бошланган. Геоинновация марказида ҳам гитриб, мультиспектр турдаги дронларни ишлаб чиқариш, уларнинг аккумуляторларини қувватлаш ва оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар қилинилади. Стартта ташаббуслар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хатто қурилманинг айрим турлари маҳаллий шароитда яратилиб, тажриба-синов жараёнларидан ўтказилмоқда.

Дронлар оддий ва осон тузилмалар қурилма эмас. Унинг мураккаб механизми узок муддатли тадқиқот олиб боришни талаб этади. Қолаверса, ушбу аппаратларда аниқлик энг асосий жиҳат бўлгани боис, уни тезкорлик билан ишлаб чиқариш ярамайди. Шу сабабли ҳозирча асосий эътибор амалиётда дронларни самарали қўллаш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва технологиялар трансферига қаратилган. Шунингдек, кичик турдаги прототиплар ва йиғиш ишлари амалга оширилаётгани бу йўналишдаги илк қадамлардан ҳисобланади.

Бироқ яқин йилларда маҳаллийлаштириш масаласи рақамли иқтисодиёт, аграр соҳа ва хавфсизлик тизимлари учун катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Чунки бу юртимизда жадал кечаётган рақамлаштириш жараёнининг бир қисми бўлиб, қурилманинг замонавий имкониятлари уни янада фаоллаштиради. Қолаверса, Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш белгиланган. “Смарт шаҳар” концепциясидаги вазифаларни бажаришда ҳам дронлар муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда замонавий технологик парklar, технополислар ва ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш орқали Ўзбекистонда дронлар индустриясини йўлга қўйиш режа қилинган.

Бу юртимизда дронлардан фойдаланиш тобора кенгайиб боради дегани. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт логистикаси ва хавфсизлик соҳаларига кенгрок кириб бориши кўзда тутилган. Яқин йилларда турли тармоқларда маҳаллий дронлар хизматида фойдаланилаётганига гувоҳ бўламиз. Қолаверса, ёшларимиз орасида дронсозлик ва робототехникага қизиқиш ортиб бораётгани, стартаплар кўпайгани келажакда янги йўналишлар очишига ишончимиз комил.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.

Миришкорнинг “Анзират бувиси”

Кўпчилик Ойбахор опани Миришкорнинг “Анзират бувиси”, дейди. Бу бежиз эмас. Ёши етмишга бориб қолган опа эллик йилга яқин туманда турли лавозимларда ишлади, кўпчиликка нафи тегди. Опа ҳозир Миришкор туманидаги Чаманзор маҳалласида хотин-қизлар фаоли бўлиб ишляпти. Бир қараида эндигина эллик ёшга киргандек кўринади. Ҳаракати анча дадил. Одатига кўра, ҳар кун ишга пиёда боради. Кўпинча фарзандлари машинада олиб бормоқчи бўлса, бирданига рад қилади. Болалари опага алоҳида техника олиб бормоқчи бўлди. Барибир буни хоҳламади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор, албатта.

Одатига кўра, Ойбахор Ҳасанова ишни маҳалласини бир айланб чиқишдан бошлайди. “Суюнчи” фильмидаги Анзират бувиди беморлар ҳолидан хабар олади. Кексалар билан дилдан дардлашади. Эҳтиёманд хонадонларга кириб, ҳол-аҳвол сўрайди. Бирор ҳовлида қурилиш қилинаётганини кўрса, дарров маҳалла ёшларини етаклаб келиб, ҳашарга бош бўлади. Айрим оилаларга моддий ёрдам керак бўлса, шу заҳоти раисни безовта қилади. Масалани яқинига етказмасдан тинчимади. Яна бир одати — тозалikka жуда эътиборли. Шу сабаб қишлоқдаги келинларидан тортиб, ёш қизларча барчаси тонгданоқ ҳовлиларни, кўчаларни супуриб, тозалашга ҳаракат қилади. Дарвозалар олдида чиройли гуллар экилиб, чиннидек қилиб қўйилганини кўрган опанинг дили яйради.

Опанинг бошқалардан ажрлиб турадиган яна бир одати бор. Доим бир қўлида китоб кўтариб юради. Худудни кўздан кеңириш давомида кимгадир шуни, албатта, тозалашга ҳаракат қилади. Дарвозалар олдида чиройли гуллар экилиб, чиннидек қилиб қўйилганини кўрган опанинг дили яйради.

Опанинг бошқалардан ажрлиб турадиган яна бир одати бор. Доим бир қўлида китоб кўтариб юради. Худудни кўздан кеңириш давомида кимгадир шуни, албатта, тозалашга ҳаракат қилади. Дарвозалар олдида чиройли гуллар экилиб, чиннидек қилиб қўйилганини кўрган опанинг дили яйради.

ўқимаганини сўрайди. Агар жавоб қониқарли бўлмаса, танбеҳ эшитиши шубҳасиз. Шу боис, совға олган киши китобни тезроқ ўқиб чиқишга интилади.

Айтишларича, Ойбахор опа асли самарқандлик. Ёшлигидан агрономлик касбига меҳр қўйиб, ўша вақтдаги Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга киради. Олийоҳда миришкорлик йигит билан танишиб, Қашқадарёга келин бўлиб тушади. Ёш агрономлар оиласи ўша пайтда туманининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўишига бел боғлайди.

— Умрим деярли далада ўтди, — дейди Ойбахор опа. — Иш бошлаганимга 53 йилдан охирибди. Шунча йилдан буён ёнимда ҳаммаша китоб бўлган. Ҳозир ҳам мутлоа қилишдан тўхтаганим йўқ. Китобга қизиқишим сабабчиси онам. Оилада 12 фарзанд эдик. Онам ҳар сафар дўкондан янги китоб олиб келарди. Ўзи лотин алифбосини билган, аммо кириллча ўқий олмасди. Шунинг



учун кечки пайт бизга китобни баланд овозда ўқитарди. Кўпинча китобларни мен ўқиб берардим. Бошида мажбурликдан ўқиган бўлсак, кейинчалик бу одатга айланди. Вақт ўтган сари китоб мутлоаси севимли машғулотиимиз бўлди.

Агрономлик қилиб юрганимда кўп вақтим дала шийпонларида ўтарди. Ўша пайтларда шийпонда кичик кўчма кутубхонамиз бўларди. Гоҳида ҳашарчилар орасидан қизиқувчилар чиқиб қолса, ўқишга бериб турардик. Турмуш ўртоғим ҳам бадий адабиётни севиб ўқийди. Бирор киши янги чиққан асар

ҳақида гапирса, топиб ўқимасдан қўймайди. Кейинчалик педагогика йўналишида таҳсил олиб, мактабда ўқитувчилик қилдим, директор бўлдим. Ҳозир маҳаллада ишляпман. Ҳамма китобсеварлигимни яхши билади. Имкон қадар одамларни, айниқса, аёлларни китобхонликка чорлайман. Уй бекаси китобга қизиқдим, бутун оилада қизиқиш пайдо бўлади. Бу фарзандлар тарбияси учун ўта муҳим.

Адабиётни севган жиноят қилмайди

Худудда Ойбахор опанинг ташаббуси билан аҳоли орасида китоб ўқишга қизиқиш ортганига кўп йиллар бўлди. Бунинг таъсирини одамларнинг турмуш тарзида, ўзаро муносабатларига кўриш мумкин. Масалан, кейинги ўн йиллар давомида Чаманзор маҳалласида бирорта жиноят содир этилмаган. Бирор киши жанжал қилгани ёки ўғрилиқ содир этганини кўрмайсиз. Бундан ташқари, оилавий ажралишлар ҳам кузатилмайди. Гурур курамсиз бўлмайди. Ҳа, гоҳида баъзи келишмовчиликлар учраб туради. Шундай пайтда Ойбахор опа томонларни тўғри маслаҳат билан йўлга солади.

— Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди, — дейди қаҳрамонимиз. — Шу боис, кекса онахон ва отахонларнинг гапини

— Тўғриси айтсам, адабиётга ошно тутунишни қайнонам ўргатган, — дейди Ойбахор опанинг келини Ғўзал Қўчинова. — Ўйга ҳар доим китоб кўтариб келади. Суҳбатимиз ҳам қайсидир асар ҳақида кечади.

ёшлар икки қилмайди. Доим тинч-тотув, бир оиладек фаровон ҳаёт кечираётганимиз сири шунда. Шукрки, деярли ҳамма китобга қизиқди. Аксар хонадонларда бўлиб, энг аввало, қайси китобни ўқигани, уйда қанча бадий адабиёт борлигини сўрайман. Ахир маънавият дурдоналари бор уй чароғон бўлади-да. Бундан ташқари, ҳамма нарсасга бекорчилик сабаб. Айниқса, хотин-қизлар доимий банд бўлса, рўзгор камчиликлари кўзга ташланмайди. Ҳозир деярли барча аёлларимиз ишли. Бекор ўтиришга вақти йўқ. Жуда бўш қолгани фермерлар билан шартнома тузиб, пахта теримига чиқади. Бир кунда икки юз, уч юз минг сўм пул ишлаб топади.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, аҳолини маънавиятга чорлашда опанинг ҳиссаси катта. Қувонарлиси, бундан икки-уч йил олдин фарзандлари кўмағида шинамгина кутубхона қурибди. Бугун бу кутубхона қишлоқ одамлари учун доим очик. Ўч мингга яқин адабиётни ўзида жамлаган бу маскан китоблар билан янада бойитилмоқда.

Уй бекаси мутлоага ошно бўлса...

Яқинда Қарши шаҳридаги кутубхоналардан бирида танлов ўтказилиши ҳақида айтилди. Ойбахор опани дастлаб мазкур тадбирда учратгандик. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси ташаббуси билан уй бекалари ўртасида китобхонлик танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Шу кунги туман, шаҳар босқичларидан ғолибликни қўлга киритган 15 нафар уй бекаси жам бўлган эди. Мусобақа бошланди. Белгиланган қоидаларга кўра, иштирокчилар навбати билан саҳнага чиқди. Улар ўқиган китоблар бўйича маълумот айтиб, саволларга жавоб беришни бошлади. Саҳна ортда турган икки аёл эса бир-бири билан тинимсиз савол-жавоб қилиб, жиддий тайёргарлик кўрарди. Қизиқиб, улар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Шунда уларнинг қайнона-келин экани маълум бўлди. Қизиқ жиҳати, келин иштирокчи,

қайнона эса унга устозлик қилиб, қўллаб-қувватлаш учун келганди. Дўстона музокаралари қолганларнинг ҳавасини келтирарди. Бир оз вақт ўтиб, келинга навбат келди. Қайнона эса бир четдан кузатиб, уни олқишлашга интиларди. Бу қайнона биз юқорида ҳикоя қилган Ойбахор Ҳасанова эди.

— Тўғриси айтсам, адабиётга ошно тутунишни қайнонам ўргатган, — дейди Ойбахор опанинг келини Ғўзал Қўчинова. — Ўйга ҳар доим китоб кўтариб келади. Суҳбатимиз ҳам қайсидир асар ҳақида кечади. Бошида унчалик эътибор қилмадим. Баъзи ўқиган қисса ёки романларини шунчалик қизиқтириб гапириб берардики, ҳайрон қолардим. Ўнг ажайиб, айна қизиқ жойига келиб тўхтайтиб қўярди. Қолганини ҳам айтинг десак, “Ўларнинг ўқиб олинлар”, деб индамай ишга кетарди. Шундан сўнг китобни топиб, ўқишга интилардик. Охири китоб ўқимасак турулмайдиган бўлдик. Бугунги танловга ҳам ўзи етаклаб келди. Натияжада фахрли ўринлардан бирига муносиб кўрилдим. Кўпинча бизга: “Уй бекаси китоб ўқиса, болалари ўқийди, қолаверса, бутун жамият ўқийди”, дея таъкидлайди. Бу айна ҳақиқат эканини унинг ташаббуси қулоқ ёзганидан ҳам кўриб туримиз. Набиралари мутлоага қизиқиб воғая етди. Ўтган йилги бир қизим турмушга чиққанди. Ўзи қизиқчани бос, ўша оилани ҳам шунга чорлаб, турмуш ўртоғи билан бирга “Ёш китобхон оила” танловининг республика босқичига қадар чиқиб борди. Яна бир набираси вилоят босқичида иштирок этмоқда. Хуллас, биргина қайнонамнинг китобга меҳр бериши бутун оиланимизга, маҳалламизга таъсир қилиб, жамиятни маънавиятга етакламоқда.

Албатта, Ойбахор опа китобхон аёл бўлиш билан бирга бутун севимли қайнона, маҳалланинг “Анзират бувиси”. Одамларни фақат яхшиликка етакловчи қайнона. Обру-ли инсон. Бунинг барчасига эса китоб ўқиб эришган.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жараён

Юртимизда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Бундай эзгу ташаббуснинг амалий ифодасини Амударё тумани “Оқ олтин” овул фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин.

— “Оқ олтин” овул фуқаролар йиғинидаги 1300 дан зиёд хонадонда 7500 дан ортик одам яшайди. Улардан қарийб 3800 нафари хотин-қизлардир. Ана шу қатламнинг ҳаётини яхшилаш, муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлашда салмоқли ишлар бажариламоқда, — дейди хотин-қизлар фаоли Моҳира Якубова. — Хусусан, “маҳалла еттилитги” хулосаси билан 174 хотин-қиз “Аёллар дафтари”нинг 6-босқичига киритилган. Уларнинг 96 нафарига амалий ёрдам берилди. Маҳалламиздаги 136 ишсиз хотин-қизнинг қарийб 100 нафари касбий лаёқатидан келиб чиқиб, тадбиркорлик, хунармандчилик ва касана-чиликка жалб қилинди. Ташқи миграциядан қайтган 6 аёл паррандачилик ва чорвачиликка йўналтирилди. Бундан ташқари, ёрдамга муҳтож 36 хотин-қизнинг муаммоси ўрганилиб, 12 нафарининг масаласи ижобий ҳал этилган. Пробация назоратидаги 7 аёл касбий лаёқатидан келиб чиқиб, иш билан таъминланган.

Маҳаллада хотин-қизларни иқтисодий фаолликка чорлаш мақсадида хунармандчилик, тикувчилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларидаги лойиҳалар йўлга қўйилган. Айниқса, миграциядан қайтган

аёлларни ижтимоий ҳаётга қайтартириш бўйича қилинган ишлар диққатга сазовор. Жорий йил бошида хориждан қайтган 3 хотин-қизнинг паррандачиликни бошлаши учун кредит олишида ёрдам берилди. Шу орқали улар оиласининг иқтисодий барқарорлигига ҳисса қўшмоқда.

Худудда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш билан бирга қадимий хунарларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, гиламдўзлик борасида моҳир хунарманд Тўлғаной Худайбергенованнинг хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. У гилам тўқиш сирларини ўқувчилик пайтидан ўрганган. Шу хунарга меҳр қўйиб, авлодлар ўртасидаги олтин ҳалқа вазифасини ўтаб келяпти.

— Мактабни тамомлагач, отам билан акам катта гилам тўқиш дастгоҳини ясаб берганди. Уни ҳозиргача авайлаб сақлаб келяпман. Уйдаги барча гиламни шу дастгоҳда ўзим тўқиганман, — дейди хунарманд. — Шу кунгача қўллаб шогирдлар тарбияладим. Келинларим ва невараларим ҳам ёнимда катта қизиқиш билан гиламдўзлик сирларини ўрганмоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Президентимизнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш,

шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳаётга ижро этилиб, юксак самара

бермоқда. Қарор асосида Амударё туманининг Холимбек овулидаги 23 йигит-қизнинг ҳар бирига 25 сотихдан — жами 8,5 гектар ер ажратилган. Бу майдонда ёшлар оила аъзолари билан бирга меҳнат қилиб, оиласининг фаровонлигини таъминламоқда.

Дастлаб маҳаллалардаги ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилган. Сўнг туман захирасидаги 400 гектарга яқин ер 1104 ёшга ажратиб берилган эди. Ҳозир бу майдонларга турли экинлар экилган. Меҳнаткаш ёшлар шу орқали ердан юқори ҳосил ва мўмай даромад олмақда. Бу аҳоли учун барқарор даромад манбаи бўлиши қарама-қаршида озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлаш, ички бозорни тоза ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилапти. Қолаверса, бу йил 800 дан зиёд йигит-қизга галладан бўшаган 121 гектар ер мавсумий ижара асосида ажратиб берилди.

Беруний туманидаги “Олтинсой” овул фуқаролар йиғини марказдан 40 километр

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.

34751 нусхада босилган.

Ҳажми — 3 табоқ. Ўфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккулт Эгамқулов

Мусаххас: Акбар Қаршиев

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:55 Топширилди — 01:55